



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА МОНТУЛАР® КИДС

**Препаратнинг савдо номи:** Монтулар® Кидс

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** монтелукаст

**Дори шакли:** чайналадиган таблеткалар

**Таркиби:**

Хар бир чайналадиган таблетка қўйидагиларни сақлайди:

**фаол модда:** монтелукаст натрий 4 мг ва 5 мг монтелукастга эквивалентdir;

**ёрдамчи моддалар:** микрокристалл целлюлоза РН 112, гидроксипропилцеллюлоза, натрий кроскармеллоза, темир III оксида, аспартам, олча таъмли хушбўй модда, маннитол (I қисм), маннитол (II қисм), стеарат магний.

**Таърифи:** Пушти рангдан оч-пушти рангача, думалоқ, иккиёклама қавариқ, қобиқсиз, хар икки томони силиқ таблетка. Таблеткада доғлар бўлишига йўл кўйилади.

**Фармакотерапевтик гурӯҳи:** Лейкотриен рецепторлари антагонистлари.

**ATX коди:** R03DC03

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### **Фармакодинамикаси**

##### **Таъсир механизми**

Цистеинил лейкотриенлар (LTC<sub>4</sub>, LTD<sub>4</sub>, LTE<sub>4</sub>) турли ҳужайралар, шу жумладан семиз ҳужайралар ва эозинофиллардан бўшатиладиган кучли таъсир этувчи яллиғланиш эйкозаноидлари хисобланади. Ушбу муҳим проастматик медиаторлар одам нафас олиш йўлларида аниқланган цистеинил лейкотриен (CysLT) рецепторлари билан боғланади ва уларга таъсир, шу жумладан бронхоспазмни, шиллик секрецияси кўпайишини, кон томирлар ўтказувчанилиги ошишини ва эозинофиллар микдори кўпайишини чақиради.

##### **Фармакодинамик таъсирлари**

Монтелукаст фаол перорал бирикма бўлиб, у юкори аффинлик ва селективлик билан CysLT<sub>1</sub> рецептори билан боғланади. Клиник тадқиқотларда монтелукаст бор-йўғи 5 мг дозада LTD<sub>4</sub> орқали нафас олиш билан чақирилган бронхлар торайишига тўсқинлик килади. Ичга қабул қилинганидан сўнг икки соат давомида бронходилатация кузатилади. Монтелукаст билан чақириладиган бронходилатация самараси β-агонистлар самарасини тўлдиради. Монтелукаст билан даволаш антиген стимуляция билан чақирилган бронхоспазмнинг ҳам эрта, ҳам кечки боскичини сусайтиради. Монтелукаст, плацебога нисбатан, катта ёшдаги пациентлар ва болаларда периферик кон эозинофилларини камайтиради. Монтелукаст билан даволаш, алоҳида тадқиқотда астманинг клиник назорати бир вақтда яхшиланган ҳолатда, нафас йўлларида (балғамда) ва периферик конда эозинофиллар таркибини сезиларли камайтирган.

##### **Клиник самараదорлик ва хавфсизлик**

Катта ёшдаги пациентларда ўтказилган тадқиқотларда монтелукаст кунига бир марта 10 мг дозада эрталабки ОФВ<sub>1</sub> плацебога нисбатан (дастлабки даражага нисбатан 2,7% ўзгаришга нисбатан 10,4%), эрталабки энг чўққи нафас чиқариш тезлиги (PEFR) (дастлабки даражага нисбатан 3,3 л / минут минимал ўзгаришга нисбатан 24,5 л / минут) сезиларли яхшиланишини ва β-агонистлари умумий қўлланилиши сезиларли камайишини (дастлабки даражага нисбатан -4,6% ўзгаришига нисбатан -26,1%) намойиш этган. Пациентлар маълум килган кундузги ва тунги астманинг назорат кўрсаткичлари яхшиланиши плацебо ҳолатидаги кўрсаткичлардан анча яхшироқ бўлган.

Катта ёшдаги пациентларда ўтказилган тадқиқотларда монтелукастнинг ингаляцион кортикостероид клиник самарасини кучайтириш хусусияти исботланган (факат беклометазонга нисбатан ингаляцион беклометазон плюс монтелукаст учун дастлабки даражага нисбатан % га ўзгариш, тегишли равишда, ОФВ<sub>1</sub> учун: 1,04% га нисбатан 5,43%; β-агонистларидан фойдаланиш: 2,64% га нисбатан -8,70%). Ингаляцион беклометазонга нисбатан (спейсер билан кунига икки маҳал 200 мкг) монтелукаст тезроқ дастлабки жавобни намойиш этган, гарчи 12 ҳафталик тадқиқот давомида беклометазон юқорироқ ўртача даволаш самарасини таъминлаган (беклометазонга нисбатан монтелукаст учун дастлабки даражага нисбатан % га ўзгариш, тегишли равишда, ОФВ<sub>1</sub> учун: 13,3% га нисбатан 7,49%; β-агонистларидан фойдаланиш: -43,89% га нисбатан -28,28%). Бирок, беклометазонга нисбатан монтелукаст қабул қилган пациентларнинг юқори фоизи аналогик клиник жавобларга етган (масалан, беклометазон қабул қилган пациентларнинг 50% ОФВ<sub>1</sub> тахминан 11% ёки дастлабки даражага нисбатан кўпроқ фоиз яхшиланишига эришган, айни пайтда монтелукаст қабул қилган пациентларнинг тахминан 42% худди шундай жавобга эришган).

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ёшидаги пациентлар иштирокида ўтказилган 8 ҳафталик тадқиқотда монтелукаст суткада бир маҳал 5 мг дозада плацебога нисбатан нафас олиш функциясини (ОФВ<sub>1</sub> дастлабки даражага нисбатан 4,16% ўзгаришга нисбатан 8,71%; эрталабки PEFR дастлабки даражага нисбатан 17,8 л / минут ўзгаришга нисбатан 27,9 л / минут) ва “заруриятга қараб” β-агонистлардан фойдаланиш камайишини (дастлабки даражага нисбатан + 8,2% ўзгаришга нисбатан (-11,7%) анча яхшилаган). Енгил даражали персистирловчи астма бўлган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ёшидаги пациентлар астмасини назорат қилиш учун монтелукаст ва ингаляцион флутиказоннинг самарадорлиги солишиширган 12 ойлик тадқиқотда монтелукаст астмадан эркин кунлар фоизини (RFD), бирламчи якуний нуқтани оширишда флутиказондан ортда қолмаган. Ўртача 12 ойлик даволаш даврида астманинг RFD фоизи монтелукаст гурухида 61,6% дан 84,0% гача ва флутиказон гурухида 60,9% дан 86,7% гача ошган. Гурухлар ўртасида LS ўртача ошишидаги фарқ фоиз нисбатида астманинг RFD фоизи статистик аҳамиятли бўлган (-2,8; 95% ишончли интервал билан -4.7, -0.9), бироқ клиник кўрсаткичдан куйи мувофиқлик бўлмаслиги учун олдиндан белгиланган чегара доирасида. Монтелукаст ҳам, флутиказон ҳам 12 ойлик даволаш даврида баҳолангандан иккиласми үзгарувчан микдорлар бўйича астма назоратини яхшилаган.

ОФВ<sub>1</sub> монтелукаст гурухида 1,83 л дан 2,09 л гача ва флутиказон гурухида 1,85 л дан 2,14 л гача кўпайган. Гурухлар ўртасида ОФВ<sub>1</sub> ўртача ошишидаги фарқ қуидагиларни ташкил этган: 0,02; 95% ишончли интервал билан -0.06, 0.02. Прогноз қилинадиган ОФВ<sub>1</sub> дастлабки даражадан ўртача ошиши % да монтелукаст билан даволаш гурухида 0,6% ва флутиказон билан даволаш гурухида 2,7% ни ташкил этган. Прогноз қилинадиган ОФВ<sub>1</sub> дастлабки даражадан оғиш учун % да LS ўртача микдорларидаги фарқ катта бўлган: -2,2%; 95% ишончли интервал билан -3.6, -0.7.

β-агонистларидан фойдаланилган кунлар фоизи монтелукаст гурухида 38,0% дан 15,4% гача ва флутиказон гурухида 38,5% дан 12,8% гача камайган. β-агонистларидан фойдаланилган кунлар фоизи учун гурухлар ўртасида LS ўртача микдорларидаги фарқ катта бўлган: -2,7%; 95% ишончли интервал билан 0.9, 4.5.

Астма хуружи бўлган пациентлар фоизи (астма хуружи перорал стероидлар билан даволашни, шифокорга режадан ташқари боришни, шошилинч ёрдам бўлинмасига боришни ёки шифохонага ётқизилиши талаб қиладиган астманинг зўрайиш даври сифатида аниқланади) монтелукаст гурухида 32,2% ва флутиказон гурухида 25,6% ни ташкил этган; нисбати (95% ишончли интервал) аҳамиятли ҳисобланади: 1,38% (1.04, 1.84)га teng.

Тадқиқот даври давомида кортикостероидлар тизимли (асосан перорал) қўлланилган пациентлар фоизи монтелукаст гурухида 17,8% ва флутиказон гурухида 10,5% ни ташкил

этган. Гурухлар ўртасида LS ўртача миқдорларидаги фарқ катта бўлган: 7,3%; 95% ишончли интервалда 2,9; 11,7.

Жисмоний зўрикиш (EIB) билан чақирилган бронхоспазмнинг сезиларли камайиши катта ёшдаги пациентларда ўtkазилган 12 хафталик тадқиқотда намойиш этилган (ОФВ<sub>1</sub> максимал пасайиши плацебо учун 32,40% га нисбатан монтелукаст учун 22,33%; ОФВ<sub>1</sub> дастлабки даражадан 5% гача тикланиш вақти: 60,64 минутга нисбатан 44,22 минут). Ушбу самара 12 хафталик тадқиқот даври давомида доимий бўлган. Болалар ёшидаги пациентларда ўtkазилган қиска муддатли тадқиқотда EIB камайиши ҳам намойиш этилган (ОФВ<sub>1</sub> максимал пасайиши: 26,11% га нисбатан 18,27%; ОФВ<sub>1</sub> дастлабки миқдоридан 5% доирасида тиклагунгача вақт: 27,98 минутга нисбатан 17,76 минут). Ҳар икки тадқиқотда самара суткада бир маҳал препарат қабул қилиш интервали охирида намойиш этилган. Тегишли ингаляцион ва / ёки перорал кортикоステроидлар қабул килаётган аспирин астмаси бўлган пациентларда монтелукаст билан даволаш плацебога нисбатан астма назоратининг сезиларли яхшиланишига олиб келган (ОФВ<sub>1</sub> ўзгариши дастлабки даражага нисбатан -1,74% га нисбатан 8,55% ва β-агонистларидан умумий фойдаланиш камайиши: дастлабки даражадан 2,09% ўзгаришига нисбатан 27,78%).

### **Фармакокинетикаси**

#### **Сўрилиши**

Монтелукаст ичга қабул қилинганидан сўнг тез сўрилади. Плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар 10 мг дозада қабул қилинганида катта ёшдаги пациентлар қон плазмасида ўртача чўққили концентрациясига ( $C_{max}$ ) оч коринга қабул қилинганидан сўнг ( $T_{max}$ ) уч соатдан кейин эришилади. Ичга қабул қилингандан ўртача биокираолишилик даражаси 64% ни ташкил этади. Перорал қўлланилганида оддий овқатланиш биокираолишилик ва  $C_{max}$  даражаларига таъсир этмайди. Плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар 10 мг дозада овқатланиш вақтидан катъи назар буюрилган клиник тадқиқотларда хавфсизлиги ва самарадорлиги намойиш этилган. Катта ёшдаги пациентларда  $C_{max}$  оч коринга 5 мг чайналадиган таблетка қабул қилинганидан сўнг икки соатдан кейин эришилади. Перорал қўлланилганида ўртача биокираолишилик 73% ни ташкил этади ва стандарт овқатлангандан сўнг 63% гача камаяди.

2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар ёшидаги пациентлар томонидан оч коринга 4 мг чайналадиган таблетка қабул қилинганидан сўнг  $C_{max}$  икки соатдан кейин эришилади. 10 мг таблетка қабул килган катта ёшдаги пациентларга нисбатан ўртача  $C_{max}$  66% юқори, ўртача  $C_{min}$  эса пастроқ бўлади.

#### **Тақсимланиши**

Монтелукаст қон плазмаси оқсиллари билан 99% дан кўпроқ боғланади. Монтелукастнинг мувозанатли ҳолатида тақсимланиш ҳажми 8-11 литрни ташкил этади. Радиоактив белгили монтелукаст билан каламушларда ўtkазилган тадқиқотлар гематоэнцефалик тўсик орқали ўтилгандан сўнг минимал тақсимланиши кўрсатади. Бундан ташқари, радиоактив белгили материалнинг доза юборилганидан сўнг 24 соатдан кейинги концентрациялари барча бошқа тўқималарда минимал бўлган.

#### **Метаболизми**

Монтелукаст фаол метаболизмга учрайди. Терапевтик дозалар қўлланилган тадқиқотларда қон плазмасида монтелукаст метаболитларининг концентрациялари катта ёшдаги пациентлар ва болаларда мувозанатли ҳолатда аниқланиш чегарасидан пастроқ бўлган. P<sub>450</sub> 2C8 цитохроми монтелукаст метаболизмida асосий фермент ҳисобланади. CYP 3A4 ва 2C9 метаболизмга бироз кўшимча ҳисса кўшиши мумкин, гарчи, итраконазол, CYP 3A4 ингибитори ҳар куни 10 мг дозада монтелукаст қабул қилган соғлом кўнгиллиларда монтелукастнинг фармакокинетик кўрсаткичларини ўзгартираслиги исботланган. *In vitro* одам жигари микросомлари тадқиқотлари натижаларига мувофиқ, P<sub>450</sub> 3A4, 2C9, 1A2, 2A6, 2C19 ёки 2D6 цитохромлари қон плазмасида монтелукастнинг терапевтик концентрацияларини сусайтиrmайди. Монтелукастнинг терапевтик самарасида метаболитлар роли минималдир.

## *Чиқарилиши*

Соғлом катта ёшдаги пациентларда монтелукастнинг плазма клиренси ўртача 45 мл/минутни ташкил этади. Радиоактив белгили монтелукаст перорал қўлланилганидан сўнг 86% радиоактивлик ахлат билан ва <0.2% – 5 кун давомида сийдик билан чиқарилади. Монтелукаст ва унинг метаболитлари деярли бутунлай ўт билан чиқарилади, монтелукаст перорал қўлланилганида биокираолишлигини баҳолаш бундан далолат беради.

## *Алоҳида пациентлар гурӯҳи*

Кекса ёшдаги пациентлар ёки енгил даражадан ўртача оғирлик даражасигача жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар учун дозаларга тузатиш киритилишига зарурат йўқ. Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда тадқиқотлар ўтказилмаган. Монтелукаст ва унинг метаболитлари ўт билан чиқарилиши туфайли буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда дозага тузатиш киритилиши талаб қилинмайди. Оғир даражали (Чайлд-Пью шкаласи бўйича баҳолаш >9) жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда монтелукаст фармакокинетикаси тўғрисида маълумотлар йўқ. Монтелукаст юқори (катта ёшдаги одамлар учун терапевтик дозалардан 20-60 марта юқори) дозаларда қабул қилинганида кон плазмасида теофиллин концентрацияси пасайиши кузатилган. Кундалик 10 мг терапевтик доза қабул қилинганида ушбу самара қайд этилмаган.

## **Қўлланилиши:**

Монтулар® Кидс ингаляцион кортикостероидлар қабул қилиниши билан назорат қилинмайдиган енгил ва ўртача оғирлик даражасидаги персистирловчи бронхиал астма бўлган пациентларга, шунингдек “зарур ҳолларда” қисқа таъсирили β-агонистлар қўлланилиши астманинг етарлича клиник назоратини таъминламайдиган пациентларга кўшимча терапия сифатида буюрилади.

Монтулар® Кидс яқинда анамнезида кортикостероидларни перорал қабул қилишни талаб киладиган астманинг жиддий хуружлари бўлмаган ва ингаляцион кортикостероидларни қабул қилиш имконияти бўлмаган, ингаляцион кортикостероидларнинг қуи дозаларини қабул қилаётган енгил даражали доимий давом этувчи астма бўлган пациентлар учун даволашнинг муқобил варианти ҳам бўлиши мумкин (“Қўллаш усули ва дозалар” бўлимига қаранг).

Шунингдек, Монтулар® Кидс астмани профилактика қилиш учун буюрилади, бунда жисмоний юклама билан кучайтирилган бронхоспазм устувор таркибий қисм хисобланади.

## **Қўллаш усули ва дозалар**

### *Дозалари*

2-5 ёшдаги пациентлар учун тавсия этиладиган доза кунига битта чайналадиган 4 мг таблеткани, 6-14 ёшдаги болалар учун эса – кунига битта чайналадиган 5 мг таблеткани ташкил этади, уни кечки пайтда қабул қилиш керак. Овқатланиш билан бирга қабул қилинган холатда, Монтулар® Кидсни овқатланишдан 1 соат олдин ёки овқатлангандан сўнг 2 соатдан кейин қабул қилиш керак. Ушбу ёш гурӯхида дозалашга тузатиш киритилиши талаб қилинмайди.

### *Умумий тавсиялар*

Монтулар® Кидс препаратининг бронхиал астма симптомларини назорат қилиш кўрсаткичларига терапевтик таъсири бир кун давомида намоён бўлади. Пациентларга бронхиал астма симптомлари устидан назоратга эришилган даврда ҳам, у кучайган даврларда ҳам Монтулар® Кидс препаратини қабул қилишни давом эттириш тавсия этилади. Енгил даражали ёки ўртача оғирлик даражасидаги жигар етишмовчилиги, буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда дозаларга тузатиш киритиш талаб қилинмайди.

Оғир даражали жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар учун маълумотлар йўқ. Препарат дозаси аёл ва эркак жинсли пациентлар учун бир хил.

**Монтулар® Кидс енгил даражали доимий давом этувчи астмада ингаляцион кортикостероидлар қуи дозаларига мүқобил сифатида**

Монтелукаст ўртача оғирлик даражасидаги турғун астма бўлган пациентларга монотерапия сифатида тавсия этилмайди. Монтелукастнинг енгил даражали персистирловчи астма бўлган болалар учун ингаляцион кортикостероидлар қуи дозаларига мүқобил сифатида кўлланилишини факат яқинда анамнезида кортикостероидларни перорал қабул килишни талаб қиласиган астманинг жиддий хуружлари бўлмаган ва ингаляцион кортикостероидларни қабул қилиш имконияти бўлмаган пациентлар учун кўриб чиқиш керак (“Кўлланиши” бўлимига қаранг). Енгил даражали персистирловчи астма хафтасига бир мартадан кўпроқ, бирок кунига бир мартадан камроқ астма симптомлари сифатида, тунги симптомлар бир ойда икки мартадан кўпроқ, бирок хафтасига бир мартадан камроқ астма симптомлари сифатида белгиланади, ўткаларнинг эпизодлар ўртасидаги меъёрий функцияси. Агар келгуси кузатувда (одатда, бир ой давомида) астманинг қоникарли назоратига эришилмаса, астмани даволашнинг босқичма-босқич тизимиға асосланган қўшимча ёки бошқа яллигланишга қарши терапия заруриятини баҳолаш керак. Пациентлар вакти-вақти билан астма устидан назорат юзасидан текшириб турилиши керак.

**Монтулар® Кидс жисмоний юклама билан чақирилган бронхоспазм устувор таркибий қисм ҳисобланган 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган пациентларда астмани профилактика қилиш учун**

2 ёшдан 5 ёшгача бўлган пациентларда жисмоний юклама билан чақирилган бронхоспазм ингаляцион кортикостероидлар билан даволашни талаб қиласиган турғун астманинг устувор белгиси бўлиши мумкин. Пациентлар монтелукаст билан даволашнинг 2-4 хафтасидан сўнг текширилиши керак. Агар қоникарли самараага эришилмаса, қўшимча ёки бошқа терапия тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши керак.

**Астмага қарши бошқа препаратлар мажмууда Монтулар® Кидс препарати билан терапия**  
Агар Монтулар® Кидс ингаляцион кортикостероидларга қўшимча терапия сифатида кўлланилса, ингаляцион кортикостероидлар қабул килинишини Монтулар® Кидс препаратига кескин алмаштириш керак эмас (“Махсус қўрсатмалар” бўлимига қаранг). Катта ёшдаги пациентлар ҳамда 15 ёш ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар учун 10 мг дан таблетка қабул килиниши мумкин.

***Болалар ёшидаги пациентлар***

Монтулар® Кидс 4 мг чайналадиган таблеткаларини 2 ёшдан кичик ёшдаги болаларга бериш керак эмас. Монтулар® Кидс 4 мг чайналадиган таблеткаларининг 2 ёшдан кичик ёшдаги болаларда хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган.

Монтулар® Кидс 5 мг чайналадиган таблеткаларини 6 ёшдан кичик ёшдаги болаларга бериш керак эмас. Монтулар® Кидс 5 мг чайналадиган таблеткаларининг 6 ёшгача бўлган болаларда хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган.

2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар учун 4 мг дан чайналадиган таблеткалар кўлланилиши мумкин.

4 мг дозада монтелукаст чайналадиган таблеткаларининг 2 ёшгача бўлган болаларда кўлланилиши тавсия этилмайди.

***Кўллаш усули***

Перорал усулда кўлланилади.

Таблеткаларни ютишдан олдин чайнаш керак. Ушбу дори препаратини болага факат катталар кузатуви остида бериш керак.

***Ножӯя таъсирлари***

Монтелукаст клиник тадқиқотларда қуидаги тарзда баҳоланган:

- Плёнка қобиқ билан копланган 10 мг дан таблеткалар, тахминан 4000 нафар катта ёшдаги пациентлар ҳамда 15 ёш ва ундан катта ёшдаги ўсмирларда ва

- 5 мг дан чайналадиган таблеткалар, тахминан 1750 нафар 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ёшидаги пациентларда.
- Клиник тадқиқотларда препаратлар қабул қилиниши билан боғлик куйидаги ножӯя реакциялар тўғрисида, одатда, плацебо қабул қилган пациентларга нисбатан монтелукаст қабул қилган пациентларда энг кўп такрорланиш тезлиги ( $\geq 1 / 100$  дан  $<1/10$  гача) маълум қилинган:

Тизим-аъзолар синфи	Катта ёшдаги пациентлар ҳамда 15 ёш ва ундан катта ёшдаги ўсмиirlар (иккита хафталик тадқиқот; n = 795)	6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар (битта 8 хафталик тадқиқот; n = 201); (иккита 56 хафталик тадқиқот; n = 615)	2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар (битта 12 хафталик тадқиқот; n = 461); (битта 48 хафталик тадқиқот; n = 278)
Нерв тизими томонидан бузилишлар	Бош оғриғи	Бош оғриғи	Кориндаги оғриқ
Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар	Кориндаги оғриқ		
Умумий бузилишлар ва дори юборилган жойдаги реакциялар			Чанқоқлик хисси

Чекланган сонли пациентлар билан клиник тадқиқотларда катта ёшдаги пациентлар учун 2 йилгача ва 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун 12 ойгача узок вақтли даволашда хавфсизлик профили ўзгармаган.

#### Ножӯя реакцияларнинг жадвал рўйхати

Ножӯя таъсирлар тизим-аъзолар синфи ва улар учун специфик ножӯя таъсирлар билан бирга куйидаги жадвалда қайд этилган. Такрорланиш тезлиги тоифалари тегишли клиник тадқиқотлар асосида баҳоланган.

Тизим-аъзо синфи	Ножӯя реакциялар	Такрорланиш тезлиги тоифаси*
Инфекциялар инвазиялар ва	юқори нафас йўллари юқумли касалликлари†	Жуда тез-тез
Кон ва лимфатик тизим томонидан бузилишлар	кон кетишлар юқори хавфи тромбоцитопения	Кам ҳолларда Жуда кам ҳолларда
Иммун тизим томонидан бузилишлар	ўта юқори сезувчанлик реакциялари, шу жумладан анафилактик реакциялар жигар эозинофил инфильтрацияси	Тез-тез эмас Жуда кам ҳолларда
Психика бузилишлари	уйку бузилиши, шу жумладан тунги босинкирашлар; уйқусизлик; сомнамбулизм; хавотирлик; эмоционал хаяжонланиш, шу жумладан	Тез-тез эмас

	тажовузкор хатти-харакат ёки душманлик; депрессия; психомотор гиперфаоллик (шу жумладан, асабийлашиш, безовталил, тремор <sup>§</sup> )	
	эътиборлилик бузилиши, хотира бузилиши, эт учиши (тик касали)	Кам ҳолларда
	галлюцинациялар, дезориентация, ўз жонига сүиқасд қилиш тўғрисидаги фикрлар ва суицидал хатти-харакат (суицидал фикрлаш)	Жуда кам ҳолларда
Нерв тизими томонидан бузилишлар	бош айланиши, уйқучанлик, парестезия/гипестезия, томир тортишиш хуружлари	Тез-тез эмас
Юрак фаолияти томонидан бузилишлар	юрак уриши	Кам ҳолларда
Нафас олиш тизими, кўкрак кафаси ва кўкс оралиги аъзоларий томонидан бузилишлар	эпистаксис Чердж-Страсс синдроми (ЧСС) (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига каранг) ўпка эозинофилияси	Тез-тез эмас Жуда кам ҳолларда Жуда кам ҳолларда
Меъда-ичак йўллари бузилишлари	диарея <sup>†</sup> , кўнгил айниши <sup>‡</sup> , қайт қилиш <sup>‡</sup> огиз қуриши, диспепсия	Тез-тез Тез-тез эмас
Жигар ва сафро чиқариш йўллари томонидан бузилишлар	зардоб трансаминалари даражаси ошиши (АЛТ, АСТ) гепатит (шу жумладан, холестатик, гепатоцеллюляр ва бошқа аралаш турдаги жигар шикастланишлари)	Тез-тез Жуда кам ҳолларда
Тери ва териости тўқималар томонидан бузилишлар	тошма <sup>‡</sup> конталашган жойлар, эшакеми, кичишиш ангио-шиш тугунсимон эритема, полиморф эритема	Тез-тез Тез-тез эмас Кам ҳолларда Жуда кам ҳолларда
Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима томонидан бузилишлар	артралгия; миалгия, шу жумладан, мушак тортишишлари	Тез-тез эмас
Буйраклар ва сийдик йўллари томонидан бузилишлар	болаларда энурез	Тез-тез эмас
Умумий бузилишлар ва дори юборилган жойдаги реакциялар	пирексия <sup>‡</sup> астения/толикувчанлик, лоҳаслик, шиш	Тез-тез Тез-тез эмас

\* Такрорланиш тезлиги тоифаси. Ҳар бир ножӯя реакция учун клиник тадқиқотларнинг маълумотлар базасида қўрсатилган такрорланиш тезлиги бўйича белгиланади: жуда тез-тез ( $\geq 1/10$ ), тез-тез ( $\geq 1/100$  дан  $< 1/10$  гача), тез-тез эмас ( $\geq 1/1,000$  дан  $< 1/100$  гача), кам ҳолларда ( $\geq 1/10,000$  дан  $< 1/1,000$  гача), жуда кам ҳолларда ( $< 1/10,000$ ).

<sup>†</sup>Ушбу ножӯя реакциялар монтелукаст қабул килган пациентларда “Жуда тез-тез”

сифатида қайд этилган, шунингдек клиник тадқиқотларда плацебо қабул килган пациентларда ҳам “Жуда тез-тез” сифатида қайд этилган.

‡ Ушбу ножӯя реакциялар монтелукаст қабул қилган пациентларда “Тез-тез” сифатида қайд этилган, шунингдек клиник тадқиқотларда плацебо қабул қилган пациентларда ҳам “Тез-тез” сифатида қайд этилган.

§ Такрорланиш тезлиги тоифаси: Кам ҳолларда.

### **Кўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

Препарат таркибида фойдаланиладиган таъсири этувчи моддага ёки ҳар қандай ёрдамчи моддаларга юқори сезувчанликда кўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Монтелукаст, одатда, астмани профилактика қилиш ва узоқ вақт даволаш учун фойдаланиладиган бошқа препаратлар билан қўлланилиши мумкин. Дориларнинг ўзаро таъсири тадқиқотларида монтелукастнинг тавсия этилган терапевтик дозаси теофиллин, преднизон, преднизолон, перорал контрацептивлар (этинилэстрadiол/норэтиндрон 35/1), терфенадин, дигоксин ва варфарин каби препаратлар фармақокинетикасига клиник жиддий таъсири этмаган.

Монтелукастнинг қон плазмасидаги концентрацияси эгри чизиқ остидаги майдони (AUC) бир вактда фенобарбитал қабул қилган пациентларда тахминан 40% га пасайган. Монтелукаст CYP 3A4, 2C8 ва 2C9 орқали метаболлашиши туфайли монтелукаст, айниқса, болаларга фенитоин, фенобарбитал ва рифампицин каби CYP 3A4, 2C8 ва 2C9 индукторлари билан бир вактда эҳтиёткорлик билан буюрилиши керак.

*In vitro* тадқиқотлари монтелукаст CYP 2C8 кучли ингибитори эканлигини тасдиқлаган. Бирок монтелукаст ва росиглитазон (маркер субстрати, кўпроқ CYP 2C8 орқали метаболланадиган препаратлар вакили) қўлланилиши ўрганилган дориларнинг препаратлар билан ўзаро таъсири клиник тадқиқоти маълумотлари монтелукаст *in vivo* CYP 2C8 ни сусайтирмаслигини намойиш қилган. Шу туфайли монтелукаст ушбу фермент (масалан, паклитаксел, росиглитазон ва репаглинид) орқали метаболланадиган препаратлар метаболизмига сезиларли таъсири этиши кутилмайди.

*In vitro* тадқиқотлари монтелукаст CYP 2C8 ва камроқ даражада, 2C9 ва 3A4 учун субстрат эканлигини тасдиқлаган. Монтелукаст ва гемфиброзил (ҳам CYP 2C8, ҳам 2C9 ингибитори) иштирокида дориларнинг ўзаро таъсири клиник тадқиқотида, гемфиброзил монтелукастнинг тизимли экспозициясини 4,4 баравар оширган. Гемфиброзил ёки бошқа кучли таъсири этувчи CYP 2C8 ингибиторлари билан бирга қўлланилганида монтелукаст дозаланишига режали тузатиш киритиш талаб қилинмайди, бирок шифокор ножӯя реакциялар хавфи ошиши эҳтимоли тўғрисида билиши керак.

*In vitro* маълумотларига мувофиқ, клиник муҳим дориларнинг камроқ кучли CYP 2C8 ингибиторлари (масалан, триметоприм) билан ўзаро таъсири кутилмайди. Монтелукастнинг итраконазол, CYP 3A4 кучли ингибитори билан бирга қўлланилиши монтелукаст тизимли экспозициясининг сезиларли ошишига олиб келмаган.

### **Махсус кўрсатмалар**

Пациентларга астманинг ўткир хуружларини даволаш учун монтелукастни қабул қилмаслик ва ушбу мақсад учун ҳар доим ўзларида оддий кечикирилмай қабул қилинадиган тегишли препаратларга эга бўлишлари тавсия этилади. Ўткир хуруж ҳолатларида қисқа таъсири ингаляцион  $\beta$ -агонистидан фойдаланиш керак. Пациентлар, агар уларга қисқа таъсири  $\beta$ -агонистлари ингаляциясидан одатдагидан кўпроқ фойдаланиш талаб қилинса, шифокорга маслаҳат олиш учун тезроқ мурожаат қилишлари керак.

Ингаляцион ёки перорал кортикостероидлар қўлланилишини кескин равишда монтелукаст билан алмаштириш керак эмас.

Перорал кортикостероидлар дозалари бир вактда монтелукаст буюрилганида камайтирилиши мумкинligидан далолат берувчи маълумотлар йўқ.

Кам ҳолларда астмага карши препаратлар, шу жумладан монтелукаст билан терапия олаётган пациентларда тизимли эозинофилия, баъзан Чердж-Страсс синдромига мувофик вакулитнинг клиник аломатлари, одатда, кортикостероидлар тизимли қўлланилиши билан бартараф этиладиган ҳолат кузатилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар, баъзида доза камайтирилиши ёки перорал кортикостероидлар билан терапия бекор қилиниши билан боғлик бўлади. Даволовчи шифокорлар лейкотриен рецепторлари антагонизми билан сабаб-оқибат боғлиқлиги аниқланмаганлигига қарамай, ўз пациентларининг эозинофилия, вакулитли тошма, ўпка симптомлари ёмонлашиши, юрак асоратлари ва/ёки нейропатия белгиларига диққат-эътиборли бўлишлари керак. Ушбу симптомлар пайдо бўладиган пациентларни даволаш схемалари қайта кўриб чиқилиши керак.

Монтелукаст билан даволаш “аспиринли астма” бўлган пациентларда аспирин ва бошка ностероид яллигланишга карши препаратлар қабул қилинишидан сақланиш заруритини бекор кilmайди.

Препарат фенилаланин манбаи бўлган аспартамни сақлайди. Фенилкетонурия бўлган болалар учун заرارли бўлиши мумкин.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

#### **Ҳомиладорлик**

Ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар ҳомиладорликка, эмбрион ёки ҳомила ривожланишига заرارли таъсирини аниқламаган. Ҳомиладорлик бўйича фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар базаларидан олинган чекланган маълумотларда монтелукаст ва ривожланиш нуқсонлари (қўл-оёклар нуқсонлари) ўртасида сабаб-оқибат боғлиқлиги назарда тутилмайди, улар тўғрисида жаҳон постмаркетинг тажрибасидан аҳён-аҳёнда маълум қилинади.

Монтелукаст ҳомиладорлик вактида жуда зарур ҳолатдагина қўлланилиши мумкин.

#### **Лактация**

Каламушларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатди, монтелукаст сутга ўтади. Монтелукастнинг аёллар кўкрак сутига ўтиши номаълум. Монтелукаст лактация даврида жуда зарур ҳолатдагина қўлланилиши мумкин.

### **Автомаршрут ва бошқа механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири**

Монтелукаст пациентларнинг автомобилни ёки бошқа механизmlарни бошқариш қобилиятига таъсир этмайди ёки бироз таъсир этади. Бироқ, жуда кам ҳолларда, пациентларда уйқучанлик ва бош айланиши қайд этилган.

### **Дозанинг ошириб юборилиши**

Сурункали астма тадқиқотларида монтелукаст катта ёшдаги пациентларга 22 хафта давомида суткада 200 мг гача, қисқа вақтли тадқиқотларда эса – тахминан 1 хафта давомида суткада 900 мг гача дозаларда буюрилган, клиник аҳамиятли ножўя реакциялар ривожланмаган. Постмаркетинг тажрибада ва монтелукаст билан клиник тадқиқотларда дозанинг кучли ошириб юборилиши тўғрисида маълум қилинган. Улар 1000 мг гача (42 ойлик болада тахминан 61 мг/кг) доза билан катта ёшдаги пациентлар ва болалар учун хабарларни ўз ичига олади. Кузатиладиган клиник ва лаборатория маълумотлари катта ёшдаги пациентлар ва болаларда хавфсизлик профилига мувофик бўлган. Дозанинг ошириб юборилиши тўғрисидаги аксарият ҳисботларда ножўя таъсирлар бўлмаган.

#### **Симптомлари**

Кўпинча учрайдиган ножўя таъсирлар монтелукастнинг хавфсизлик профилига мувофик бўлган ва қориндаги оғриқ, уйқучанлик, чанқоқлик, бош оғриғи, қайт қилиш ва психомотор гиперфаоллигини ўз ичига олган.

### **Даволаи**

Монтелукаст билан дозанинг ошириб юборилишини даволаш бўйича муайян маълумотлар йўқ. Монтелукаст перитонеал диализ ёки гемодиализ орқали чиқарилиши мумкинлиги маълум эмас.

### **Чиқарилиш шакли**

Alu-Alu блистерда 10 тадан таблетка. 1, 3, 6 ва 9 тадан блистерлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамга жойланган.

### **Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёргуликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

2 йил.

Препарат яроқлилик муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан берилиш тартиби**

Рецепт бўйича.

### **Ишлаб чиқарувчи**

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

### **Ишлаб чиқариш манзили**

Plot No. M-3, Indore Special Economic Zone,  
Phase-II, Pithampur, Dist.-Dhar, Madhya Pradesh-454774, Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори препаратларининг сифати бўйича  
эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили  
“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

Ўзбекистон Республикаси, 100022, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Кичик Халқа Йули  
кўчаси, 91-уй.

Тел.: + (99878) 150-97-97; факс: +(99878) 150-97-87

Уяли тел.: +(99893) 388-87-82:

E-mail: [pv@kusum.uz](mailto:pv@kusum.uz)

Web-сайт: [kusum.uz](http://kusum.uz)